

## Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 49-ҳадис

49/53 - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: إِنَّ وَفْدَ عَبْدِ الْقَيْسِ لَمَا أَتَوْا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ الْقَوْمُ أَوْ مَن الْوَفْدُ؟» قَالُوا: رَبِيعَةً. قَالَ: «مَرْحَبًا بِالْقَوْمِ - أَوْ بِالْوَفْدِ - غَيْرُ حَزَارَا وَلَا نَدَامِي». فَقَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّا لَا نَسْتَطِيعُ أَنْ نَأْتِيكَ إِلَّا فِي شَهْرِ الْحِرَامِ، وَبَيْنَنَا وَبَيْنَكَ هَذَا الْحَيْثِيُّ مِنْ كُفَّارٍ مُضَرٍّ، فَمُرِنَا بِأَمْرٍ فَصَلِّ، تُخْبِرْ بِهِ مَنْ وَرَاءَنَا، وَنَدْخُلُ بِهِ الْجَنَّةَ، وَسَأْلُوهُ عَنِ الْأَشْرِبَةِ، فَأَمْرَهُمْ بِأَرْبَعٍ، وَتَهَاهُمْ عَنْ أَرْبَعٍ، أَمْرَهُمْ: بِالْإِيمَانِ بِاللَّهِ وَحْدَهُ، قَالَ: «أَتَدْرُونَ مَا الْإِيمَانُ بِاللَّهِ وَحْدَهُ؟» قَالُوا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، قَالَ: «شَهَادَةُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَإِقَامُ الصَّلَاةِ، وَإِيتَاءُ الزَّكَاتِ، وَصِيَامُ رَمَضَانَ، وَأَنْ نَعْطُوا مِنَ الْمَعْنَمِ الْحُمْسَ». وَتَهَاهُمْ عَنْ أَرْبَعِ الْحَتَّمِ، وَالْدُّبَابِ، وَالنَّقِيرِ، وَالْمُرْقَبِ. وَرُبَّمَا قَالَ: الْمُقَرَّبِ. وَقَالَ: «اَحْجَظُوهُنَّ وَاحْبِرُوهُنَّ مَنْ وَرَأَكُمْ».

49.53 Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Абдулқайс вакиллари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келганда, у зот: **«Бу одамлар ким [ёки бу вакиллар ким]?**» дедилар. «Рабийъа», дейишди.

У зот: **«Эй вакиллар [ёки эй одамлар], бехижолат ва бенадомат хуш келдингиз!**» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! Биз олдингизга ҳаром ойлардагина кела оламиз, биз билан сизнинг ўртамиизда Музор кофирларининг манави қабиласи бор. Шу боис бизни қатъий бир ишга буюрингки, уни ортимиздагиларга етказайлик ва шу сабабли жаннатга кирайлик!» дейишди ва у зотдан ичимликлар ҳакида сўрашди. Шунда у зот уларни тўрт нарсага буюриб, тўрт нарсадан қайтардилар. Уларни ёлғиз Аллоҳга иймон келтиришга буюра туриб: **«Ёлғиз Аллоҳга иймон келтириш нима эканини биласизларми?**» дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчиdir», дейишди. У зот: **«Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Мухаммад Аллоҳнинг Расулидир», деб гувоҳлик**

**бериш, намозни тўқис адо этиш, закот бериш, Рамазон рўзасини тутиш ва ўлжадан бешдан бирини беришингиздир», дедилар. Тўрт нарсадан - ҳантам\*, дуббо\*, нақийр\* ва музофатдан\* - (Ибн Аббос) баъзида «муқайяр»\* деган - қайтардилар. У зот: «**Буларни эслаб қолинг ва орtingиздагиларга бунинг хабарини беринг**», дедилар».**

\* Хумус – ўлжанинг бешдан бири.

\* Ҳантам – лой, жун ва қон аралашмасидан ясаладиган хум.

\* Дуббо – қуритиб, ичи ўйилган қовоқ.

\* Нақийр – қуритиб, ичини ўйиб, идиш ясалган хурмо илдизи.

\* Музофат – зифт билан бўялган идиш. Меш ва саноч каби идишларни сув ўтмайдиган қилиб мустаҳкамлаш учун ишлатиладиган елимсимон қора модда зифт деб аталган.

\* Муқайяр – қийрланган идиш. Қийр бир ўсимлик бўлиб, қуритиб куйдирилган ва ундан олинган модда билан идишлар мустаҳкамлаш мақсадида бўялган. Аслида «муқайяр» билан «музофат» битта нарса, яъни бир хил идиш. Шунинг учун Ибн Аббос розияллоҳу анху гоҳида «музофат» сўзи ўрнига «муқайяр» сўзини ишлатар эдилар.

**Изоҳ:** Бу ҳадисда мазкур идишлардан қайтаришнинг маъноси уларда набиз тайёрлаб ичишдан ман қилишdir. Чунки уларда тайёрланган набиз маст қилиш хусусиятига эга бўлган. «Набиз» деб хурмо, майиз каби қуруқ меваларни сувга ивитиб, хамрга айланмай туриб олинадиган истеъмол қилмнадиган ивитмага айтилади. Агар унинг вақти ўтиб кетса, хамрга яъни маст қилувчи ичимликка айланиб қолади.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



